

ТОШКЕНТ ШАҲАР
МАҲАЛЛАЛАР
ИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ
КЕНГАШИННИГ
РЎЗНОМАСИ
Ҳар ойда иккى марта
чиқади.
«Тошкент оқшомни
нешри.

Маҳалладош

1992 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ
№ 4 (64).

Тошкент шаҳар маҳаллалар кенгашида

ЯНГИ КУНГА ПЕШВОЗ

Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашиниг навбатдаги мажлисида «Тенг ҳуқуқли халқлар орасида тенг бўлишдек ҳалқимизнинг асрий орзуси амалга ошган, мустақиллигиниз тобора мустаҳкамлаётган йилнинг биринчи Наврӯзини тантанали үтказига пухта ҳозирлик кўриш тўғрисида» ги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда шаҳар Ҳокимининг ўринбосари, ижтимоий сиёсат мажмуаси раҳбари Карим Расулов ахборот берди.

— Тарихда биринчи марта умумхалқ сайловида қонуний Президент ва шаҳар Ҳокими демократия йўл билан сайланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги референдум үтказилган йилнинг биринчи Наврӯзини шаҳримизда тантанали ишини ишламида ҳозирлик кўриш юзасидан ҳокимлигимиз мажмууда ташкилий комитет ва унинг илчи гурӯҳлари тузилди, — деди нотиқ. — Улар амалий фоилият бошладилар. Район ҳокимларни ва маҳалла комитетларида ҳам жойларда Наврӯз шодиёнасини мувоффақиятли үтказиш учун ана шундай ташкилий комитет ҳамда унинг ишчи гурӯҳларни тузиш ва судли билан амалий ишга киришиш керак.

Утган йилги Наврӯз байрами шодиёналарига шаҳримиз бўйича 30 минг сўнгга яқин маблаг сарфланган эди. Бу йилги нарх-навони хисобга олган шаҳар ҳокимлиги маъмурияти миллий Янги йил деб ном олган Наврӯз тантаналарига 2,5 миллион сўм атрофидаги маблаг ажратишини режалаштираяпти. Ана шундан маҳалла комитетларига ҳалим, сумалак, нишолла каби миллий таомлар тайёрлаш учун зарур бўлган маҳсулотларни ҳарид қилишга, қадриятларни тиклашга маблаг ажратилиди.

21 марта куни Наврӯз шодиёналари эрталаб буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг беш ярим асрлик тўйи муносабати билан барпо этилган Миллий боргимиздан бошланиши маълум. Тушга яқин тантаналар Халқлар дўстлиги саройи майдонига кўчирилади. Пешиндан кейин ва оқшомда Мустақиллик майдонida давом этади. Мушакбозликлар, қизиқчилик ва миллий дорбозлик ўйинлари бўлади. Таниқли санъаткорларимиз

Худойназар ГОИИБОВ.

МАВЗЕЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ҳалқ депутатлари Чилонзор район Кенгашиниг сессияси қарори билан райондаги 20 та мавзе маҳаллаларга айлантирилмоқда. Айни кунларда район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши ходимлари — мавзе комитетлари ўнинг маҳалла комитети аъзогари ва раҳбарияти

сайловини үтказяпти. Район ҳокимлиги маъмураси эса, янгилаётган маҳаллаларга ном кўйиш, думалоқ муҳр тайёрлаш, давлат банкида ўз ҳисобини очиш сингари ташкилий ишларни ўзёнинг етказмоқда.

Халил ФОФУРОВ.



«Мен ҳам бувимдек чевар бўламан». Ҳали мактаб партасида таҳсил олаётган Гулмира Қаландарованинг нияти ана шундай. У Акмал Икромов районидаги


116-мактабда билим олиш билан бирга бувиси Азиза аядан тикувчилик ҳунарини астойдил ўрганаяпти.

Миртемир Қодиров сурати.

ҲАМРОЗИМИЗ БЎЛ, НАВРӮЗ!

Шу кунларда диёримизда ажаб бир шукӯҳ кезиб кўрибди. Она табиат уйғонмоқда, боболар ва момолар чехрасида шукроналик. Мехнат жамоаларида кўтаринки кайфият. Ўлкамизга Наврӯзи олам қадам кўймоқда. Ушбу баҳор фаслида юртимиздаги тутувликни афзал кўрган турли халқлар, қабларининг қатида энг муқаддас туйғуларини ардоқлаган жамики кишилар сенинг ташрифингни согинган, эй покланиш ва ёшариси айёми!

Ҳурматли маҳалладошлар! Яқинлашадиган Наврӯзи олам тантаналарини рўзнома саҳифаларида кенг ёритиш ниятидамиз. Ҳозир ҳеч шубҳасиз



пойтахтимиздаги барча маҳаллаларда байрамга қизгин тайёргарлик кўрилаётir. Зеро, ҳашар ташкил этиши, кўча ва ариқларни тозалаш, уйларни таъмирлаш, мевали даражатларинг ниҳолларини үтказиши каби юмушлар авжиди. Наврӯз муносабати билан Тошкент шаҳар маҳаллалар Кенгаши маҳаллалар ва пойтахтимизда ободонлаштириш ҳамда озодалик ойлигини үтказиши қарор қилди. Ана шулар ҳамда айём арафасидаги тадбирлар ҳакида бизга маълум қиласизлар, деган умиддамиз.

«МАҲАЛЛАДОШ» таҳrir ҳайъати.

Акс садо

ИФВОГА УЧМАЙМИЗ!

Луначарский марказида жойлашган маҳалламиз аҳолиси ўзбеклар, руслар ва бошқа миллат вакилларидан иборат. Лекин биз қайси миллатга мансублиги билан кўп ҳам кизиқиб ўтиравермаймиз. Энг аввало инсонийликни ўйлаймиз, аҳил-иноқликни мустаҳкамлајмиз. Кундалик ҳаётимизда бунга истаганча мисоллар топса бўлади. Бинокор кўчасининг 48-ўйида истиқомат килувчи, ёлғиз яшаётган 84 ёшли Махфират ая Ҳайитова январининг охирги кунларидан вафот этиди. Кўшилари рус, татар, арман миллатига мансуб кишилар эди. Улар 600 сўм пул йиғиб, яани мусулмон удумида дағи этдилар. «8-март» номидаги боши берик кўчанинг хонадонларидан бириде яшовчи, иккича турх ногирони Холида Орипованинг қизи яқинда оламдан ўтди. Бу ўйқотиш сабабли боши берик кўчадаги 12 та хонадонда яшовчилар оёқка турдилар. Улар 500 сўм тўплашди. Унга 68 ёшли онахон Мухтабер Орирова 100 сўм, 82 ёшли Михаил Дедиков 30 сўм, 83 ёшли Николай Петрович Гараев 40 сўм. Игорь Мустафаев 50 сўм пул кўшди. Кўшиларининг инсонийлигидан, иқтисодий кўмегидан Холида ола кўзларига ёш олди. Қизини сўнгги йўлга кўзатган билан кўп миллатли кўшиларининг юрак тафти у

кишини ёлғизлатмаяпти. Маҳалламиз аҳлиномига монанд иш тутишайати.

Оғир кунларда турли миллат вакиллари бир-бирига ана шундай мададкор бўлиб яшаётган диёримиз, қолаверса маҳалламизга лой чапимоқчи бўлган ифвогарлар турли тұхматларни ёдирмоқдалар. «Комсомольская правда» рўзномасида, Россия оммавий ахборот воситаларида уйдирмалар биргина ўзбекларни эмас, барча миллат вакилларининг ҳам газабини кўзғатмоқда.

Аввалидек Ўзбекистонимизнинг бойлини исталган миқдорда ололмаётган ҳасадгўйларининг фитна-фасодларни қачонгача давом этди? Ифвогарларларнинг чеки борми? Уларни бундай нотўри далил, уйдирмалар билан ким таъминлаб турдиди? Ана шу ҳақоний саволларга мустақил республикамиз фуқаролари ва маҳалламиз аҳли ишончли жавоб қайтарилишини истайдилар.

Биз бундай ифвогарга аслло учмаймиз. Виждони пок барча кишиларни ҳам ўзгатлар ногорасига ўйнамасдан жисплигимизни, ҳамжиҳатлигимизни янада мустаҳкамлашга чакирамиз.

Жўра ТОШПУЛАТОВ, Куйбишев районидаги «Итифоқ-17» маҳалла комитетининг раиси.

ХОФИЗЛАР ХУШНУД
ЭТИШДИ

Кейинги пайдада «Чилонзор» маҳалласидаги отаҳонлар чойхонасида халқимиз буюк алломаларнинг ҳаёти ва икодига бағишинган кечалар ва турли мавзуларда сұхбатлар ўтказып көнг түс олмоқда. Яқинда таълим-тарбия, маслаҳатхона, тарбиғот-ташвиқот ва маданият ўғори вазифасыни ҳам ўтовчи мәзкур оромгоҳда «Ҳазрати Навоийни ёд олиб...» ва «Дин ва унинг ўшлар тарбиясыга тасири» мавзуда сұхбат ўтказылди. Бунда нуроний отаҳонлар Навоий ғазалларидан баҳраманд бўлдилар. Куръон сураларида ўқиб, савонни буюк аллома руҳига баҳшида этиши. Шундан сўнг маҳалла фаоллари илтимосига кўра чойхонага тақлиф қилинган мақом усталири Ўзбекистон халиқ ҳофизлари Ҳасан Ражабий билан Саидазимхон Кудратхўжаевлар Навоий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлардан куйлаб барча йигилгандарни хушнуд этдилар.

Ўз қўнимиз билан бунёд этган мана шу шинам ва мўъжазигина чойхонада ҳаётимизда учраб турдиган баъзи муаммолар, айниса ўшлар тарбияси хусусида баҳслшиб турамиз. Шунингдек, ободонлаштириш ва кўжаламзорлаштириш, тўй ва мъракалар ўтказаётган хонадонларга моддий ёрдам бериш бо-

расида амалга оширадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашиб оламиш, — деди маҳалла комитети оқсоқоллар кенгаси Маҳкам Абдураҳимов. — Бундан ташқари район раҳбарлари, прокуратура ва ижтимоий таъминот ходимлари, олийгоҳ музлумлари ва хуқуқшунослар ҳам ташриф буюриб турдилар.

Ислом ЗОКИРОВ,
Чилонзор райони.

сирларини ўргатишайти. Бундан ўқувчилар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам - хурсанд. Лекин ҳали тикувчилик, пойабзал таъмирлаш, тикув машиналарни созлаш каби хунарларни эгаллашга мўлжалланган тўғарак ёки курслар ташкил этилмаган. Бундай юмушларни бажариш истагидаги ўғил-қизларимиз маҳалла кўплаб топилади. Шуниназарда тутуб, бу масалада

юз фоиз олишайти.

Менга бериладиган нафақа 185 сўмни ташкил қиласиди. Президентимизнинг Фармонига биноан энди 350 сўм олар эканмиз. Бундай ғамхўрлик учун катта раҳмат. Шу ўринда маҳалла раҳбарлари, ўй комитетларининг раҳисари нафақаҳўларга яратиладиган имтиёзлар ҳақида мутахассислар билан савол-жавоблар ўюштириб туришларини

ҚАДАМИНГИЗГА
ҲАСАНОТI

Фозил ота падари бузрукворимнинг энг яқин қуролдош дўстларидан бири. У киши меҳр-оқибатли, инсоннинг қадр-қимматини осмон қадар баланд тутадилар. Ёшлиари аллақачон 70 дан ошган бўлса-да, дийдор кўриши учун ўйимизга келиб турадилар. Шуссан, ўтган юли отам касалликка чалинганидан бўйн тез-тез хабар оладиган бўлдилар. Шунча йўл босиб, хонадонимизга ташриф буюрганидан барчамиз беҳад хурсанд бўламиз. Айниса падари бузрукворимнинг қувонини шини айтмайсизми? Қадамларингизга ҳасанот деймиз, азиз меҳмоня.

Фозил ота Йўлдошев ҳаётни теран тушунадиган, узоқни кўзлайдиган инсон. Кўпинча ўзлари билан бирга ўғиллари Муроджон, куёвлари Рисқивой ака ва невараларини ҳам олиб келадилар. «Бир-бирларинг билан ахил-иноқ бўлинглар. Бизнинг дўстилигизни сизлар давом этирасизлар», деб панд-насиҳат қиладилар. Биз Муроджон билан ҳам, Рисқивой ака билан ҳам ака-укалардек яқин бўлиб кетганимиз.

Орамизда оқибатли одамлар кўляяверсин. Курбон ЖУРАНАЗАРОВ, Сурхондарё вилояти, Кўйбашев районидаги «Гулистан» маҳалласи.

Бизга мактублар

ҲУНАРЛИНИНГ ҚҮЛИ
ГУЛ

Бозор иктисодиётига ўтган ҳозирги қийин бир шароитда Фарзандларимизни турли ҳунарларга ўргатиш ҳар қачон гидан ҳам зарур, деб ўйлайман. Ўғил-қизларимиз мактабдан уйга келгач бўш вақтлари кўп бўлади. Ана шу омилдан оқилона фойдаланиш зарур. Бунинг учун маҳаллаларда, агар бу жойларда имконияти топилмаса, мактаблarda касб-хунарга ўргатадиган тўғараклар очиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг маҳалламиз худидаги 118-мактабда химия, математика, жисмоний тарбия, она тили ва чет тили бўйича тўғараклар ишлайти. Уларда тажрибали музлумлар ёшларга чуқур билим

район раҳбарларидан ёрдам сўрадик. Аммо илтимосимиз инобатга олинмади.

Ҳунарлининг қўли гул, дейишади донолар. Мутасадди идораларнинг раҳбарлари топиб айтилган бу нақла гэтибор беришларини истардим.

Лутфулла БОБОТУЛЛАЕВ, пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий маҳалласида жойлашган 118-мактаб ота-оналар кенгашининг раиси.

ГУВОҲНОМА ОЛОЛМАЙ
САРСОНМАН

Ногирон бўлиб қолганимга бир йилдан ошса ҳам ҳалигача қандай имтиёзлардан фойдаланишимни билмайман. Район ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат этиб, ҳеч қандай жавоб ололмадим. Ногиронлигимга қарамай хўжалик солиқларини ҳалигача

истардим.

Яна бир масала. Менга ҳанузгача ижтимоий таъминот бўлимидан 2-гуруҳ ногирони деган гувоҳнома берилмаган. Унинг ўрнига тақдим этилган ҳужжатни кўп жойларда кўрсатсан инобатга олишмаяти. Чунки унда ҳеч қандай имтиёзлар кўрсатилмаган. Кўпнока нокулай аҳволга тушиб, асабим бузиллати.

Қачон ижтимоий таъминот бўлимига гувоҳнома сўраб борсам, бизга шаҳар ижроқомидан берилади, уларда ҳам йўқ, деган баҳонани қилишади.

Ҳанузгача зарур ҳужжатни ололмай сарсонман.

Турғунбой САЛМОНОВ, пойтахтимиздаги Уста Ширин тарбия қўчасида ўшовчи 2-гуруҳ ногирони.

ЎЗ ТАРИХИМИЗНИ
БИЛАМИЗМИ?

МОВАРАУННАҲР — дарёнинг нариги томонига жойлашган ерлар — Амударёнинг ўн соҳилидан то Сирдарёнинг чап соҳилигача бўлган катта ҳудуд. Ўтра Осиённинг арабча тарихий номи.

САРКОР — ишбоши — бирор муҳим ишни бажарувчи ёки унга бошчилик қилувчи киши.

ШИҒОВУЛ — маросим бошқарувчиси — ўрта асрларда ўтра Осиё ва Эронда (Бухоро ва Хева хонлакларида XX аср бошларига қадар) элчиларни қабул қилиш маросимларини бошқарувчи йирик мансабдор.

ОФТОБАЧИ — офтоба тутувчи — ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида, шунингдек ўтра Осиё шаҳарларида зўр дид ва ихлос билан қурилган, усти гумбаз шаклида ёпилган ҳамда кўплаб савдо дўконлари бу ҳунармандчилик устахоналарини ўзничига олган махсус бозор.

ТОЖИР — тижоратчи, савдогар.

БОЖХОНА — бож олинидиган жой — ўрта асрларда карвон йўлларида; махсус жойларда (кўприк устида, дононларда ҳамда шаҳар ёнида) қурилган бож олувчи махсус пункт.

ҚўПРИК ПУЛИ — маҳаллий ҳокимиятга қарашли кўприкдан мол олиб ўтганда тўланадиган йигим, бож.

Ҳуқуқшунос бурчаги

МАРҲАМАТ, СЎРАЙВЕРИНГ

Саломат ОДИЛОВА: Ўтил ўйларига ўтга ҳар бирни никоҳга бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

Кейинчалик фамилияни ўз гартиришга факат умумий асосларда, кону́да белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Агар никоҳни рўйхат қилиш вақтида никоҳга ўтвичилар ўзларининг никоҳга қадар бўлган фамилияларида колга бўлсалар, кейинчалик эса улар эри ёки хотинининг фамилиясинга ўтишни хоҳласалар қонунда белгиланганнидек факат фамилияни ўзгартириш тартибида ҳал қилинади.

ЖАВОБ: Фамилия танлаш ҳуқуқи эр-хотиннинг музҳим шахсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Бу масалан никоҳга ўтвичиларнинг факат ўзаро розилиги асосида ҳал қилинади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси никоҳ ва оила мажмусининг 22-моддасига биноан никоҳ тузиш вақтида эр-хотин ўз ҳоҳиши билади эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлаши

ёки уларнинг ҳар бирни никоҳга бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолиши мумкин.

Кейинчалик фамилияни ўз гартиришга факат умумий асосларда, кону́да белгиланган ҳолларда йўл қўйилади. Агар никоҳни рўйхат қилиш вақтида никоҳга ўтвичилар ўзларининг никоҳга қадар бўлган фамилияларида колга бўлсалар, кейинчалик эса улар эри ёки хотинининг фамилиясинга ўтишни хоҳласалар қонунда белгиланганнидек факат фамилияни ўзгартириш тартибида ҳал қилинади.

Никоҳга ўтвичиларга уларнинг фамилия танлаш ҳуқуқларини тушунтириш бериши никоҳни кайд қилувчи маҳсабдор бўлб ҳисобланади.

Фозил ОТАХУЖАЕВ.



Октябрь районининг «I-Оқлон» маҳалласида бир юн олти баҳорни қаршилаётган табаррук онахон истиқомат қилинши ўшитиши биланоқ, «оёқни қўлга олай» дедим-у, дафъатан ўйланниб қолдим: «Балки нотўғридир... Кавказда, бошқа тоғли—баҳаво ҳудудлардаги узоқ умр кўрувчилар ҳақида кўп бора ўшитганимиз-у, аммо ўзимизда, айниқса, сершовқин пойтахтда...» Иккиланишларни четга суриб «Саргузашт» кўчасидаги 35-«Б» ўй томон ўйл олдим.

— Раҳимова Робия буви шу ўйда турдиларми? — сўраймиз бизга пешвоз чиқкан, ёши чамаси 50—55 лар атрофидаги очиқ чехрали кишидан.

— Худди шундай. Хуш кепсизлар. Қанин чиқраги...

Ичкарига кираман-у, ўйлайман: «Оналари 116 ўшда бўлсалар, ўғиллари ҳам чол бўлишлари керак-ку...» Дую-фоти, ҳа ўқилгач, нуроний онахондан гап орасида сўраймиз: «Бувижон, тўнгич фарзандингиз неча ўшда?»

— Эй, болам, каттам ҳаёт бўлганида юзни қоралаган бўларди-я,— дейди у ичики бир унсиз изтироб билан. — Нафақат тўнгичим, ундан кейингиларимнинг ҳам умри қисқа экан. 12 фарзанд кўрган бўл-

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

Сайдали Султонов сурати.



СУРАТДА: ширинсухан сотувчи Абдуло Умаров хизмат чориги.

Холмат Мирзакаримов сурати.

Ўтра Осиё мусулмонлари диний боткармаси томонидан чоц этирилалётган диний китоблар Эски шаҳарда жойлашган 1-дўконда ҳам савдо қилинайти.

Янги руҳи: «МАҲАЛЛА» ҚАЙИШАЁТГАН РАҲБАРЛАР»

Кейинги шайтда маҳаллалар қайта жонланаб, катта ўзгаришлар рўй берадиган кўп тилга олинмоқда. Шуниси эътиборга лойинки, қайси жойда район ёки корхона, ташкилот, идораларнинг раҳбарлари маҳаллага қайишадиган бўлса ўша ҳудудда ижтимоий муаммолар ўз вақтида ҳал қилинашти. Янги руҳи ташкил этишиниздан асосий мақсад ҳам маҳаллага қайишадиган кишилар ҳақида ҳикоя қилиб боришидан изборатдир.

Биз бугунги сұхбатимизга Кабир ака Комиловни бекиз тандамадид. У киши давлатшунос олим, Тошкент шаҳар Конғашининг депутати, Киров район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, Тошкент шаҳридаги маҳалла комитетлари Низомини тайёрлашда фаол иштирок этган. Кўриб турибисизки, маҳаллалар билан боғлиқ масалалар ҳамда район раҳбарининг комитетлар фаолиятини жонлантириш учун олиб бораётган ишларини яхши билди. Шуни эътиборга олиб Кабир ака билан ўзининг кўп вақтини маҳалла ва мавзеларда ўтказиб, одамларга таъминлашадиган Киров район ҳокими фаолияти ҳақида сұхбатлашдик.

— Кабир ака, келинг гапни узоқдан бошламасдан асосий мақсадга ўтиб қўяқолайлик. Район ҳокими Рустам Калонов билан қачондан бери мулодатасиз?

— Үн йилдан ошди, чаммада. Маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси этиб сайланганимдан кейин у киши билан кўпроқ учрашиб, турли хил масалаларни ҳал этадиган бўлганман. Рустамжон узоқ йиллар район аппаратаиди ишлади. 1988 йилда ижроком раиси сайланадиган бўлиб қолди. Халқ депутатлари район Конғашининг сессиясидаги бу лавозимга муқобил асосида иккни номзод қўйилди. Мен сўзга чиқиб, маҳаллалар фаоллари номидан Рустамжоннинг номзодини ҳам киритишни таклиф қилдим. Шундай қилиб у энг кўп овов олиб, район ижрокомитетининг раиси этиб сайланди.

— Гапларингиздан маълум бўлдик, Рустам ака маҳаллалар ташабуси билан раҳбарлик дараражасига кўтарилган экан. Айтингчи, нега айнан у кишининг номзодини танлагансизлар?

— Бунинг сабаблари кўп. Рустамжон районимиздаги Бодомзор маҳалласида яшайди. Узи шу ерлик бўлгани учунни ёки маҳаллалар ҳаётини яхши билганиданми бу масканларга доимо қайишади. Райкомда ташкилий-оммавий ишлар бўлнимининг мудири бўлиб ишлаб ўтадиган пайтдаёқ одамларга танилиб қолган. У кўча тўйлари ўтказиш, сайиллар ташкил этиш, маҳаллаларни безатиш ва бошқа тадбирларга доимо бош-қош бўлди. Хотира кунлари одамлар билан қабрисонларни ободонлаштиришда иштирок этди. Доимо халқ орасида, уларнинг дардига шерик бўлаётгани туфайли кўпчиликда Рустамжонга нисбатан меҳр-муҳаббат ўғотди.

— Раҳбарлик услуби ҳам

ИШНИ МАҲАЛЛА АЙЛАНИШДАН БОШЛАЙДИ



КИРОВ РАЙОН
АБУЛКОСИМ
ФИРДАСИЙ
НОМИДАГИ
МАҲАЛЛА

маъқул бўлаётган бўлса керак.

— Албатта, Рустам Калонов менинг назаримда камсукум, ақл-идроқли, ўз вазифасига масъулият билан қарайдиган, уддабурон раҳбарлардан. У ҳар кунги иш вақтини маҳалла ва турар жойларни айланишдан бошлайди. Қайси жойда муаммолар тўпланиб қолган бўлса эътиборга олиб, тегишил чоралар кўришга одатланган. Бундан ташқари уни кўпинча ҳали корхонадан, ҳали савдо дўкони ёки поликлиникадан чиқиб келаётгани, бирор жойда кексалар билан сұхбатлашиб турганини кўришингиз мумкин. Кўпинча, «Турккўргон», Уста Ширин, Йомий, «2-Кисловодск» бошқа маҳаллаларда учрашиб қоламиз. Дарҳол ҳол-аҳвол сўраб, маҳаллалардаги тангликлар ҳақида суршитиради. Кўп масалаларни идорада эмас, жойига бориб ҳал қиласи.

— Мисоллар келтирасан-

гиз.

— Марҳамат. Уста Ширин маҳалласидаги Киев кўчасида сартирошона қурилиши бир неча ойлаб битмасдан, сурдариб келди. Ҳали у йўн, ҳали бу йўқ. Охири район ижроия комитети раисигача боришига мажбур бўлдик. Рустамжон шу масалани иккни марта мута-

садди ташкилотларнинг раҳбарларини ҷақириб мудоқара қилгандан сўнг манший хизмат шоҳобаси тез кунда қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Турккўргон» маҳалласидаги чойхонани олиб кўрайлик. Унинг ўзи бир неча марта ишнинг теласида турли, шу ернинг ўзида планёрка ўтказди. Қурилиш ашёлари таъминланишини назорат қиласи. Ҳозир бу жойда отаҳонлар мазза қилиб чойхўрлик қилишадиги. Қисқаси, турар жойлардаги жуда кўплаб бунёдкорлик

ларга ёрдам тарнишада ҳозиргача 810 сўмлик кўрпа-ча, чойшаб ва ёстиқ жилдари тикиб берилди. Рустамжон тажриба тарнишада ташкил этилган кичик корхонани зарур ҳом ашё билан таъминлашга катта эътибор бераватди.

— Райондаги барча ишларни эндиликда ҳоким бошқараяти. Бунга қандай қарисиз?

— Ижобий. Сабаби, Узбекистон Республикаси маҳалла ҳокими бошқараш идораларида ҳоким лавозимининг

зеда ҳам ана шундай йиғин ташкил этмоқчимиз.

— Районда «Мажалла» дастурининг бажарилишга алоҳида эътибор бериладиган хабарниз бор. Шу ҳаёда ҳам тўхталсангиз.

— Аввало райондаги 26 та маҳалла бажарилиши лозим бўлган барча ижтимоий вазифалар алоҳида қайд этилиб, мутасадди ташкилотлар ҳамда муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолда ижроқом томонидан тасдиғлангани алоҳида таъкидлашмиз зарур. Қилинадиган ишларнинг кўлами жуда катта. Болалар боғчаси, поликлиника, новвойхона, дўкон, манший хизмат шоҳобчалари бунёд этиш, кўчаларни асфальтлаш, канализация қувурлари ўтиазиш, ичимлиқ суви келтириш каби масалалар шудар жумласига киради. «Мажалла» дастури бўйича беғилланган режаларнинг талайгинаси бажарилди. Мен айримларига тўхталмоқчиман, холос. Райондаги олтига маҳалла да янги новвойхона қурилиб, аҳоли иссиқ ион билан таъминланди. Фирдавсий маҳалласида чойхона ва маданият маркази, «Қизил Декон» маҳалласида маданий оқартув мажмуни, «Янги-арик» маҳалласида замонавий сартошона ишга туширилди. Булардан ташқари 13 та маҳалладаги кўчаларга асфальт ётқизилди, 9 та маҳалладаги сув қувурлари янгилаади. Чойхоналарни таъмирлаб, зарур жиҳозлар билан бе-затишга район ошхоналар трестининг ўзи 8 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратганини айтиб ўтишим зарур.

— Район ҳокими ҳақида яна нималарни айтила оласиз?

— Рустам Калоновнинг хайрли ишларидан бирини шуки, доимо ноҷор оиласалар, нафақаҳур ва бокувчиси бўлмаган кишиларнинг ҳолидан хабар олади. Утган йили дар бир маҳалладаги 10 тадан оиласа гилам, по-лос, чанг ютич каби зарур жиҳозлар олиб беришига 70 мингдан ортиқ пул сарф этилди. Агар район бюджетидан маблағ ажратишнинг имкони топилмаса қайсишидир жамиятлар билан келишиб, тақдирлаш йўллари излаб топилди. Конадонларга болалар кийим-кечаклари, чой, ун каби озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам бериладиги. Булар, албатта ёрдам тарнишада уюштирилади.

Ягона истагим, район ҳокими маҳаллаларга қайишадиган экан, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам унга ўхшашларни истардим. Уз навбатида биз, фаоллар ҳокиммизининг районни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратиган барча жиҳозларни учун кўлнимиздан келган ёрдамни аямаймиз.

Сұхбатдош
Сайдулла ШОДИЕВ.

СУРАТДА: Кироғ райони ҳокими Рустам Калонов (уртада) бир гурӯҳ маҳалла фаоллари билан ишватдаги режалар хусусида маслаҳатлашадиган.

Андрей Пишинеко
сурати.

ШУНДАЙ КИШИЛАР БОР БЎЛСИН

тирган эдим у: «Менга ҳеч ким ҳеч нарса бергани йўқ» деди елка қисиб.

Шу куни ҳориб-чарчаб уйга қайтдим. Ҳамёнигма ачинмайману, лекин ундаги ҳужжатлариминг йўқлигини ўйлаб дилқат бўламан. Агар топилмаса уларни тўғрилаш учун озмунча елиб-югуриш керак бўладими.

Оилам, болаларим тасал-

ли беришса-да, юрагим туздек ачишиб чиқди кечаси билан. Эрталаб эшик кўнғироги жиринглаб қолди. Бориб очсан бўсағада ўрта яшар киши туриби.

— Мирдадаевлар оиласи шу ерда яшайдими? — сўради у жилмайиб.

«Ха» ишорасини билдирам.

— Отингиз Сайёра бўлса керак?

— Худди шундай. Айтинг нима гап, — дейман хаприқиб.

— Кечаки автобусда ҳамёнигизни унтишиб қолдирган эканси. Топиб олдим. Тагин биронта ҳаром қўлга тушишиб қолмасдан деб ҳеч кимга билдирамай кўя қолдим. Яхшияни, ичада паспортини

гиз бор экан. Уша ордади уйингизни топиб келдим. Мана пулларингизни санаб олишингиз мумкин.

Туплонда «Вой» раҳмат сизга, дей топилмани олиб ману, уша ойлайхиммат кишининг кимлигини сўраб олишини унтишибман. Бутун оиласиз номидан унга самимист истакларимизни билдирамиз. Дунёда шундай кишилар доим бор бўлсин.

Сайёра МИРДАДЕАВА.

Покланиш

САВОБДАН ТҮЙГАН БОРМИ?

Бисмиллохир Раҳмонир Раҳим.

Хозирги ҳаётимизда катта ўзгаришлар рўй берадиган бир пайтда кишиларнинг ислом таълимотига қизиқиши ортоқдо. Одамлар шу таълимотдан ўзларини қизиқтирган ҳар хил саволларга жавоб топиш учун бизга мурожаат киладилар. Шулардан бир: «Савоб иш нима? Нима қислак савоб бўлади?» деган саводир.

Диний китобларда ислом шариати нимани яхши, савоб деса, ўша яхши ва ўша савоб, шунингдек шариат нимани ёмон деса ўша нарса ёмон ва гунохдор.

Пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайхи вассалламдан саҳоба икромлар сўрашади: «Оллоҳа энг суюкли инсон ким?» деб. Расулуллоҳ шундай жавоб бердилар: «Яхши хулқли киши». Абу Хурайра ислми саҳоба ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ марҳамат қиладилар. «Мўминнинг улуғлиги дини, муруввати ақли ва суннаги яхши хулқидир».

Мана шу ва бошқа ҳадис оятлардан маълум бўладики, диёнатли ва ахлоқли киши савобли киши экан. Демак, ким савобли иш қиласи деса яхши хулқли бўлсин. Хўш, яхши хулқ қандай бўлади? Бу саволга кўйидаги оятни карима тўлиқ жавоб бўя олади: «Оллоҳ таоло Расулуллоҳа мурожаат қилиб: «Сен улуг хулиқасан, яхши хулиқасан», — деди. Демак Расулуллоҳнинг хулқи яхши хулқ экан. Шунинг учун сиз билан ёна суннаги яхши хулқидир».

Энди пайғамбаримизнинг беъзи ахлоқлари ҳақида тўхталиб ўтсан. Расулуллоҳга ўн йил хизмат қилган Анас Ризаюллоҳу анху айтадилар: «Пайғамбаримиз шунча йил давомида менга жеркиб гапирмадилар ёки бирор нарса учун нега уни қилмадинг ёки нега буни қилдинг, демадилар». Демак, кўл остидаги кишиларга муҳоммий бўлган эканлар. Биз ҳам шундай бўлмоғимиз керак. Акс ҳолда ёмон хулқли инсон бўлиб қоламиз.

Яна ҳазрат Анас айтадилар: «Расулуллоҳ бирорта одам билан кўл беришиб сўрашсалар унинг юзига қараб туриб сўрашар эдилар. Ва то у одам кўлини тортмагунча, юзини ўғирмагунча кўлларини тортмас, юзларини бурмас эдилар». Азиз бирордерлар, бу ҳам сиз билан бизга катта себоб. Хозир кўпчиликимиз кўлни учи билан сўрашамиз. Ёки одамнга қараб мумонала қиласиз, мана энди билдики, бу нарса мусулмоннинг хулқи эмас экан.

Яна Расулуллоҳнинг ҳаётларини ўрганишда давом этамиш. Абдуллоҳ бинни ҳарис ислми саҳоба айтадилар: «Мен Расулуллоҳдек доимо кулиб турадиган кишини кўрмадим». Кани айтингчи, қайси биримиз бир-бirimiziga кулиб қараймиз. Менимча, кўпчилик мен дея олмаса керак. Келинглар азизлар, бепул табассумни ҳам бир-бirimizдан дариг тутмайлик. Ахир шу иш учун ҳам савоб оламиш.

Расулуллоҳ сифатларидан яна бир, у киши очиқ кўл эдилар. Сира ҳам баҳил бўлмаганлар. Шикоатли эдилар, сира ҳам ҳақиқатдан юз ўғирмаганлар, адолатли эдилар. Сира ҳам хуки чиқарища жебр кўрмаганлар, барча ҳаёт соҳаларида ростгўй, ишончли зот эдилар. Энди ўзимизга бир назар ташлайлик-чи. Шу сифатлардан биронтасини топамизми?! Лекин ҳаммамизнинг «мен мусулмонман», «мен тўғриман», «мен савоб излаб юрибман» деган даъволяримиз бор. Шундай экан энди амалга ўтиб ҳақиқий мусулмон, ҳақиқий имонли бўйлики!

Азизлар! Факир сизларга савоб ҳақида иккى оғиз айтуб ўтдим, холос. Ва бу айткілан ишлар кишиларнинг ўзтиборидан четда қолган бўлгани учун ҳам уларни эслатдим. Лекин бу каби ҳаши ҳисобланган ва савоб бўладиган ишлар ҳар қадамда учрайди. Кўчада ётган, кишиларнинг ўтишига ҳалал берадиган тош, төмир каби жисмларни чегта олиб қўйиш ҳам савоб. Адеби қолган кишига ўйл кўрсатиш ҳам савоб, одамларга рўпара келгандан салом бериш ҳам савоб. Қисқаси, савоблар жуда кўп, факат уларни биз сезмаймиз ва ўзтиборга олмаймиз. Мана энди озми-кўпми айтилганлардан, билганлар яна бир бор эшишиб олдилар, бўлмаганлар билиб олдилар. Энди олдинги ҳолатимизни ўзгартириб яхши ахлоқларни ўзимизга хулқ килиб олайлик. Оллоҳ таъоло барчамизни яхши хулқли, кўп савоб қилувчилар қаторидан қилсин. Омин.

Мұхаммадлатиф ЖУМАДАЙ,
Тошкент Ислом олий илмгоҳининг бош мударриси.

Ҳалқ табобати

АБУЖОҲИЛ ТАРВУЗИ

Табиблар устози ва султони Абу Али ибн Сино Абужоҳил тарвузи минг дардга даво эканлиги, унинг тутканоқ фалаж, аллергия, муттасиб бош оғриғи, қон-томир, ошқозон-ичак, тишмилки касалликларни даволашда, қорин ва оёқ шишлигини, кўзданги сарикликларни ўйнатишига катта ёрдам беришини алоҳида таъкидлаган. Шунинг учун бу полиз экинининг уруғили не қийинчилликлар билан топиб, турли жойларга экиб кўрдим. Аммо уруг унуб чиқади. Унуб чиққани ҳам хосил беради.

Менинг фикримча, саломатлик учун ниҳоятда фойда келтирувчи Абужоҳил тарвузидан кўпроқ етиштириш керак.


Ҳаким ПУЛАТОВ,
Собир Раҳимов районидаги Сабон кўчасидаги яшовчи фуқаро.

ҚУЙМА ШАТРАНЖ СОҲИБИ

Таниқли раисимиз,

Ўзбекистон ҳалқ артисти

Ғани Аъзамов ижодхонасида



маджонов сценарийси асосида фильми суратга олишга киришдик.

— Ўтган йили мукофот соhibи бўлибсиз. Шу ҳақда ҳам гапириб беринг.

— «Ким биринчи бўлиб ўпган?» қисқа метражли комедия ишлаган эдик. Ҳозир у дунё кезиб юрибди. Аммо бизда ҳали экранларга чиқарилгани йўқ. Бу фильмдаги талқиним ўтган йилнинг энг яхши сатирик роли деб топилди. Менга қўйма шатранж таҳтаси совға қилишди.

— Ғани ака, ёшлик дамларнингизни ҳам эслаб турасизми? Умуман, санъатга қандай кириб келгансиз?

— 1929 йилда давлатимиз эски ўзбек ёаувидан воз кечиб, лотин алифбосига ўтган эди. Мен бу алифбони жуда яхши билардим. Шу сабабли бир куни шаҳар Шўросига чакириб, дарс беришини таклиф қилишди. Албатта рози бўлдим. Мен тайинланган жамоа давлат труппаси экан. 50-60 нафар санъаткорга дарс бера бошладим. Тингловчилар орасида Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Шўкур Бурхонов, Сора Эшонтураева, Наби Раҳимовлар ҳам бор кетган.

Машғулотлардан бўш вақтимда қўл осимда ўқиётгандарнинг саҳнадаги машқларини кузатишни жуда яхши кўрардим. Менга айниқса Сиддиққўжа Исломов ислми комик артист ижро этган роллар жуда маъқул бўларди. Бир куни парда ортида машқни кузатиб турсам кимдир туттиб саҳнага олиб чиқди ва: «Домла, сиз ҳам бугундан бошлаб актёр бўлдингиз», деб кулиди. Шу воқеа сабаб бўлуди, труппа раҳбари Маннон Уйғур менга ҳам баъзи ролларни ишониб топшира бошлади.

Шундан бери эл хизматидаман. Насиб эта бундан кейин ҳам саҳнада яхши образлар яратиш учун бор куч-ғайратимни сарфлашим мукаррар.

Судбатни Муҳиддин БОЗОРОВ ёзиб олди.

Томорқа хўжалигингизда

Мева дараҳтларига шакл бериш

Мева дараҳтлариниң умрими ўзайтириш, уларнинг барвакт мўл ҳосил бериси ёш ниҳоллар ерга экилгандан кейин тезлихда шакл бериб кесишига боғлиқ. Биз-лиг шароитимизда мева дараҳтлари ўғонмаган даврда (барг тўклиб, ўсув даври бошлангунча) кесилади. Союкка унча чидами бўлмаган тур ва навлар, гилос, ўрик, шафтоли, олманинг Ренет симиренко навига баҳорга яқин, февраль ойиниг иккичи ярми ва март ойида ишлов бериш керак.

Мева дараҳтлариниң шоҳшаббалари ўтириш ва тоза асбоблар (қайчи, арракча ва ҳоказалор) билан кесилади. Олиб ташланадиган шоҳбалар ва новдаларни чала кесиш ярамайди. Акс ҳолда шу жойда ковак хосил бўлиши мумкин. Йўғон шоҳни кесаётганда дастлаб уни остики томондан, кейинчалик эса устки томондан арралаш керак. Ахла шунда дараҳт пўстлоги зарарланмайди. Диаметри 3 сантиметрдан катта бўлган жароҳётлар пичоқ билан тозалиниб, бое мойи ёки бўёқ суртиб қўйилади.

Дараҳтлар 20-25 ёнга киргандага уларнинг ўсиши шунчалик секинлашади, бу ҳол доилий таъсир кўрсатади. Бу даврда дараҳт навидан, яъни ёнидан шоҳлаши учун иккита-тўртталиқ шоҳларни кесилади. Да-



Пойтаҳтимиздаги Усмон Юсупов номли маҳаллада яшовчи Нигмат ака Сандов бўғонликка ҳавас қўйган болаларга жонили девор ва дараҳтларга шакл берни спрларини ўргатмоқда.

Миртемир Қодиров сурати.

раҳт бундан ҳам қари бўлгандага ёки суст ўсганда беш-етти йиллик шоҳлари кесиб ёшартирилади.

Биринчи йиллари сийраклаштириш ва қисқартириш усулларни кўлланилса, кейинчалик дадахтлар ҳосилга киргач кўпроқ ҳаддан ташкиари бўлган новдаларни қисқартириб, ортиқча бўлган шоҳчаларни сийраклаштириш билан чегараланилади. Катта ёнга кирган мева дараҳтлари ўсишдан қолганда, ал-

батта кўп йиллик она шоҳларга тақаб кесилади.

Мева дараҳтлари тўғри ва ўзвақтida қирқилса ҳамда керакли комплекс агротехника чоралари кўлланилса ҳосили 40-70 фоизга ошганилиги тажриба натижасида аниқланди. Шу билан бирга мевасининг сифати ҳам бир мунча яхшиланганини айтиб ўтишим зарур.

Мирвоқид СОБИРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.